

# ЖАЛДК СЎЗИ

1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг газетаси

28 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА № 81 (586).  
1993 йил.  
Сотувда эркин нархда.

## КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ГЕРМАНИЯГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

### БЕШ КУН ДАВОМ ЭТАДИГАН САФАР

27 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Германия Федератив Республикасига расмий сафарга жўнаб кетди. Беш кун давом этадиган сафар мобайнида Ўзбекистон раҳбари ГФР Президенти Рихард Фон Вайцеккер билан учрашди, канцлер Гельмут Коли, вазирликларнинг раҳбарлари, мамлакат савдо-саноат доираларининг вакиллари билан музокара қилади. Ўзбекистон Республикаси ва ГФР ўртасида шартномалар имзолаш кўзда тутилган. Ўзбекистон Президенти Саар, Бранденбург федерал ўлкаларида, шунингдек бирлашган Германия пойтахти — Берлин шаҳрида бўлади.

Тошкент аэропортда Ислам Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Вазирлар маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(УзА).

### Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг

сессияси олдида

### Қийинчиликлар ортда қолади

Сессиядан нималарни кутяпсиз! Мухбиримиз Жиззах пластмасса заводидан бўлиб, бир неча ишчиларга ана шундай савол билан муурожаат қилди.

Лутфия ҲУСАНОВА — политтехнолог цехи бригадир.

— Биз ишлаб чиқарадиган маҳсулотта Ўзбекистонда талаб жуда катта. Аммо унинг хом ашёсини юз фоиз Тата-ристондан олиб келаямиз. Уйлайманки, биз МДХ давлатлари билан алоқани янада мустаҳкамлаймиз. Депутатларимиз қонун қабул қилаётганларида ана шу масъулиятни ҳис қилмоқчи.

Анора ҲОТАМОВА — пластик цехининг ишчиси.

— Биз пақир, тоғора, кружка, стакан, конфетдон каби қирқ турдаги рўзгор буюмларини ишлаб чиқарамиз. Хом ашё етса тўлиқ уч сменада ишлашимиз мумкин. Аммо ҳозир фақат бир сменада ишляймиз, холос. Биз Президентимизга, Олий Кенгаш депутатларига ишонамиз. Уйлаймизки, уларнинг саъий ҳаракатлари тўғрисида ана шу иқтисодий қийинчиликлар тез орада бартараф бўлади.

• Депутатлик ҳаловат эмас



Раҳимахон Ражабова Езёнов районидagi «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси. Жорий йилда 818 гектар майдонда гўза устиришни режалаштирган бу жамоа пахтакорлари чигит экиш мавсумини тез ва сифатли ўтказишди.

— Экиш ишлари барвақт тўғалган майдонларда ниҳоллар бир текис ушиб чиқди, — дейди Р. Ражабова қувончининг яшира олмай. — Шу кунларда жамоамизнинг барча аёллари Олий Кенгашнинг навбатдаги сессияси рўҳи билан ишлаб, меҳнат қилмоқдалар. Унинг муҳофизатига киритилган масалалар биз деҳқонлар манфаатига ҳам хизмат қилиши, шубҳасиз.

Раҳима опа нонб сифатида ҳам сайловчилар ишончининг оқламоқда.

СУРАТДА: Ўзбекистон халқ депутати Раҳимахон Ражабова.

Тоҳир ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

### ЎЗБЕКИСТОН ВАМАНИМ МАНЧМ

«ХАЛҚ СЎЗИ» МУХБИРЛАРИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ ХАБАРЛАРИДАН

#### ОТА-БОБОЛАРИ ҲУНАРИНИ ТИҚЛАШДИ

● ШАХАНД қишлоғи Тўрақўрғон туманидаги эмас, балки Наманган вилоятида қадимий кулолчилик марказларидан бири сифатида машҳур бўлган. Қишлоқ ёшлари ота-боболарининг хайрли ишларини тиклаб, давом эттиришга жазм этдилар. 46-мактаб-интернат тарбияланувчилари кулолчилик цехини очиди. Ҳозир бу ерда пёна ва лаганлар, ликопча ва тултуваклар тайёрланмоқда. Атроф қишлоқлардан тушаётган буюртмалар асосида ҳар хил ёлгорлик буюмлари ҳам тайёрлаш йўлга қўйилди.

#### ШОЛИКОРЛАР «ОРЗУ»ЛАРИГА ЕТИШДИ

● МУЗРОВОД туманида «Орау» кичик корхонаси вужудга келгач, шоликорлар енгил нафас оlishди. ИЛГАРИ тумандаги учта шоличилик хўжалиги жамоалари учун шоли етиштиришдаги мапаққатлардан кўра кейин ушбу эскил машиналари оғир ботарди. «Орау» бу қийинчиликларни бартараф этди. Ҳозир кичик корхона соатига 1,5 тонна шолин оқлаб берайти. Кишлоқ аҳлининг гурӯҳга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ҳозирча шунинг ўзи ҳам етарли.

#### ИШБИЛАРМОНЛИК ФАҚАТ ЭРҚАКЛАР КАСБИ ЭМАС

● «ОНА» жамияти бош директори Нафиса Тошўлатова ишбилармон аёл. ЖАМИЯТНИНГ ишлаб чиқариш цехлари ва бўлимларида мева-сабзавот консервалари, винолар тайёрлаш харадорларга сотилди, айирбошланди. Олмаюта, Кемебон, Устакменогорск, Омск, Новосибирск шаҳарларида, ҳатто олдис Олмонияда ҳам бу жамият маҳсулотлари билан қизиқиб қолди. Яқинда «Ўзбекбирлашу» раҳнамолрида ўтказилган йрмарка чоғида «ОНА»нинг ишлаб чиқариш цехлари турли фирмага ян корхоналар билан 10 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотга шартномалар тузди.

#### ФАРҒОНАДАН ТУРКИЯНИ ҚУРИШАПТИ

● Водий хонадонлари ойинажаҳондан ҳар оқимон Туркия телевидениеси кўрсатувларини томоша қилишапти. ВОДИЙ ва кўшни Қирғизистоннинг Уш, Жалолобод вилоятлари аҳолисига Туркия ҳамда Россия телекўрсатувларини олиб берадиган 8-канал халқаро тармоққа айлантирилди. Эндиликда бу тармоқ орқали Марказий Осиё мамлакатлари теледastуриларини ҳам намойиш этиш кўзда тутилмоқда.

#### ДЕУ МАШИНАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛЛАРИДА

● АНДИЖОН. Ихтисослашган агротехник хизмат корхонасида Жанубий Кореянинг Деу корпорациясида тайёрланган автомашиналар сотилмоқда. «ЭСПЕРО», «Рейсер», «Тико» енгил автомобиллари, «Лабо» кичик юк машинаси ҳамда «Дамас» кичик автобусларини эркин муомаладаги валютага, шунингдек пул ўтказиш йўли билан олиш мумкин. Корхонада мазкур машиналарга хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш, ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш йўлга қўйилди.

#### ТИФСИЗ ОПЕРАЦИЯ

● ЎЗБЕКИСТОН РАЙОНИ. Бекобод қишлоғида йиловчи Моҳира Мирзадалована буйрақдаги тош азобидан бир зунда форинг бўлди. РАЙОН марказий шифохонасида Америкада тайёрланган «Брекстон-100» аппарати келтириб ўрнатилди. У буйрақдаги тошни тўқитилар ердимида парчалаб ташлайди.

#### ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

● ҚАРШИ. 19-агроқурилиш трести тугатилган арафасида эди. Аммо... ЖАМОА мушкул аҳволдан чиқиб йўлини топди. Полтахта, эшик, дераза, деворбон темир-бетон ашёлар шу ернинг ўзида тайёрлана бошлади. Банкдан 50 миллион сўм қарз олиниб, иккита гишт заводи қурилди. Шу тариқа иш юришиб кетди. Яқинда Туркиянинг «Язеус» корпорацияси билан ҳамкорликда тикувчилик мажмуини қуришга келишилди.

#### УҚ УЯИН-УЯИНДАН ОТИЛГАНИ ЙУҚ

● САМАРҚАНД Давлат дорилфунуқининг чет тиллар факультети ёнида кетма-кет 3 марта ўқ овози эшитилди. ВИЛОЯТ ички ишлар бошқармаси масъул ходими Қ. Жавадовнинг айтаётгани, Гуриан районидан «Вазир» жамоа хўжалиғида яловчи, ҳеч қандай ишламайдиган Х. Турраев шаҳарда пайдо бўлиб, факультет кечин бўлимининг 5-курс талабаси А. Турдуревни пичиқлаб ўлдирган. Қотил ички ишлар бўлимига қаршили алоҳида қоронғилик баътаълоин хизматини А. Ҳасановнинг оғоҳдантиришига ларво қилмаганидан сўнг у қуролдан фойдаланишга мажбур бўлди. Х. Турраев чап оёғидан яравланиб, шифохонага ётқизилди. Қотиллик ювасидан тергов бошланди.

### ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

ФАРҒОНА. Махсус мухбиримиз Набижон Собир телефон орқали хабар қилади.

Вилоят фаолларининг кеча бўлиб ўтган йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Халқ депутатлари Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари кенгашлари навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазирлар тўғрисидаги масалани муҳофизат қилдилар. Кун тартибидagi масала ювасидан вилот ҳокими Мирзажон Исламовнинг мавзуси тингиланди.

Маърузачи Президентимиз кидлади. Вилоятдаги барча Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари кенгашларида сўзлаган нутқлари жумхурият иқтисодий ва сийсий ҳолатида муҳим воқеа бўлганлигини алоҳида таъ-

та Фаргона вилоятига ҳам тааллуқли эканлигини далиллар билан исботлаб берди. Масалан, Марғилон шаҳрида сўнги бир йил ичида адолатсизлик, ошпа-оғайнингарилик, қариндош-уруғчилик шаҳарнинг со-ий ҳоқини томонидан кенг йўл очиб берилганлиги салбий оқибатларга олиб келди. Тугишган ана-уқалар бир пайда ҳоким ўринбо-сарлари лавозимига тайин-ланди. Бошқа ташиқиллар ҳисобига ҳокимиятда 8 та қўшимча штат ушлаб турил-

ди. Сўнги 6 ой ичида Дан-гара, Бувайда, Тошлоқ, Езёнов, Олтинарқ районла-ри ва Марғилон шаҳри ҳо-қини ўзгартирилди. Улар-нинг ўрнига ёш, ўзининг талабчанлиги, меҳнатсевар-лиги билан одамлар ўрға-сида ҳурмат ва эътибор қо-зонган кадрлар тайинланди. Маърузачи ва сўзга чиқ-қанлар вилотдаги сийсий, иқтисодий-иқтисодий вазият-ни соғломлаштириш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ муам-моларни ҳам алоҳида муҳо-кама қилдилар.

Фаоллар йиғилишида кун тартибидagi масала ювасидан қарор қабул қилинди ва таъбирлар ишлаб чи-қилди.

## «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ЭЛЕКТР АЛОҚА ИТТИФОҚИГА АЪЗО БЎЛИШНИ УЛКАН ВОҚЕА ДЕБ ҲИСОБЛАЙМАН»

Республикамизда алоқа хизматини яхшилаш бўйича қатор ишлар қилинди. Аммо бу соҳада қали ўзига яраша муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Алоқа вазир Кемалжон Раҳимов билан суҳбатда ана шулар ҳақида гап юритилди.

— Менимча асосий сабаби иқтисодийнинг янги тарзда юритишда, тарифларни белгилашда жойларда таърибали мутахассисларнинг етишмаслиги бўлди.

Ҳозир Вазирлик қошидаги Тошкент электротехника институтини ва алоқа коллежини бутунги кун талабларига жавоб берадиган мутахассислар таъйинлаш мақсадида ўқув режаларини қайтадан ишлаб чиқмоқдалар — унинг асоси мутахассисларнинг иккин босқичда тайёрланишидир.

— Бундан ташқари соҳадаги маблағ тақчиллиги ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

— Утган йили амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, бирма-бир эсласангиз, қай бирини алоҳида тилга олган бўлардингиз?

— Аввалдан бор, Президентимиз кўмагида ер сунъий йўлдоши «Интердест» орқали ишлайдиган халқаро станция ўрнатилганини, у орқали кўп каналли халқаро телефон ҳамда телевиоон алоқа воситаларига эга бўлди.

— Ўзбекистоннинг Халқаро электр алоқа иттифоқига аъзо бўлишини улкан воқеа деб ҳисоблайман.

Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларидан кейин Тошкент шаҳри ҳам янги тармоқ — узли радио теле-

фон тармоғига эга бўлди. Бу борада Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси «Узду-робита» фалд хизмат қилмоқда.

— Яна бир оламшумул воқеа давлатимизнинг биринчи маррасининг чоп этилиши бўлди.

Алоқа соҳасини иқтисодий муҳофизат қилиш мақсадида бир неча ташиқиллар тузилиди. Булар давлат радиостанциялар комиссияси, халқаро ҳисоб-китоб ва шартномалар маркази, давлат фельдгерлик хизмати, шаҳарлараро ва халқаро электр алоқаларини бошқариш марказидир.

— Соҳадаги ишлар бундан кейин қай йўналишда олиб борилади?

— Алоқа соҳасини янада ривожлантириш, алоқа воситаларини тақомиллаштириш моддий-молиявий баъзани яратишни талаб этади. Финрмча, маълум дастурларини амалга оширишда ҳозирги кунда хоржий инвистицияларни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

— Олдимизда турган долзарб масалалар қуйидагилардир: зарурий ҳуқуқий, метерий-услубий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, қўшни давлатлар билан бевосита почта маршрутларини нага тушириш, ҳамда қосмлик алоқа тармоқларидан янада тўлароқ фойдаланиш.

— Яна бир муаммо хусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман: республикамизда алоқа ускуналарини ишлаб чиқиш, Улар ҳанузгача Россия, Украина, Болтиқбўйи, мамлакатларидан, ҳамда хориздан катта молиявий сарф-харajatлар эвазига кели-рилади. Бу борада бир қанча ишлар амалга оширилди. Масалан, Туркиянинг «Теле-таш» фирмаси, Тошкент «Алгоритм» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Алоқа вазирли-ги ҳамкорлигида «Алтел» қўшма корхонаси барпо этилди. Ушбу корхона томонидан янги келажакда турли телефон аппаратлари, радиотелефон жиҳозлари ҳамда замон талабиданга те-лефон станциялари ишлаб чиқарилади.

— Бугун бир газета ҳодими сифатида мен жуда қўнлаб шикоятларга дуч келаман. Кун йўқин, редакциямига бирорта шикоятчи келмас. Бироқ шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардимки, Алоқа вазирлиги шикоятлардан сая бўлса-да, ҳолроқ ташкилот, ҳар ҳолда бизда шундай таасурот борки, Алоқа вазирлигида ошқорча гирромлик ёки тураларча муносабат даярли йўқ. Бу-нинг барчасини фақат сиз билан боғламоқчи эмасман. Лекин шундай бўлса-да, сабабини изохлаб берсангиз.

Суҳбатни Темур ЭШБОВ ёзиб олди.



воситаларининг барқарор ишнинг таъминлаш бўлса, иккинчиси, мустақил давлат тизимини замонавий алоқа воситалари билан таъминлаш. Утган йилининг бошида қабул қилинган «Алоқа тўғрисида»ги қонуни коңцераларга, алоқа корхона-ларига кенг ҳуқуқлар бериб, уларни марказлашган ҳолда бошқариш имкониятини яратди.

— 1992 йил якунларига келсак, кўрсатилган алоқа хизматлари эвазига 3572 млн. сўм даромад олинди, аҳолига 510,6 млн. сўмлик хизмат кўрсатилди, 100 миңдан анбўроқ хат ва бандерол, 7 миңга яқин телеграмма етказиб берилди. 70 миңга яқин шаҳарлараро ва 135 миңга яқин сўзлашулар тарқим этилди. Бироқ шунга қарамастан, соҳамиз 1985—90 йиллардаги ривожланиш суръатларини сақлаб қололмади.

— Бунинг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?





